

АБДУРАУФ ФИТРАТ ВА ЖАДИД МАДАНИЯТИ

**Сулайманова Шохсанам Абсаматовна**

*Чирчиқ давлат педагогика университети,  
Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси*

**Облоқулов Шермуҳаммад**

*Чирчиқ давлат педагогика университети,  
2-босқич талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Абдурауф Фитратнинг илм-фан соҳасидаги хизматлари, Бухорода янги усул мактабларини ташкил этиши, ёшларни диний илм билан биргаликда дунёвий илмларни ҳам ўрганишига тарғиб қилинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мақолада жаҳид адабиётидаги маърифатпарварлик зоялари ҳамда уни ривожлантириши тенденцияларига алоҳида аҳамият қаратилган.

**Калит сўзлар:** жаҳидчилик, маърифатпарварлик, қўлёзма нусха "Қутадғу билик", демократия, қадриятлар, маънавий мерос.

**Аннотация:** В данной статье отмечается великий героизм Абдурауфа Фитрата на ниве науки, учреждение новых школ в Бухаре, поощрение молодежи к изучению мирских наук. Также раскрывается содержание идей маърифатпарвара в творчестве модернистов и тенденции его развития.

**Ключевые слова:** Античность, просвещение, рукопись, копия «Кутадгу билик», демократия, ценности, духовное наследие.

**Annotation:** This article notes the great heroism of Abdurauf Fitrat in the field of science, the establishment of new schools in Bukhara, the encouragement of young people to study worldly sciences. It also reveals the content of the ideas of marifatnarvara in the work of modernists and the trends of its development.

**Key words:** Antiquity, enlightenment, manuscript, copy of "Kutadgu bilik", democracy, values, spiritual heritage.

Абдурауф Абдурахим ўғли 1886 йил (ҳижрий 1304 ) Бухоро шаҳрида Абдурахим савдогар оиласида туғилган. Абдурауф Абдурахим ўғлининг адабий таҳаллуси Фитрат бўлиб, бу сўз туғма истеъдод маъносини англатади. Замондошларининг гувоҳлик беришича, талабалик йилларида Фитрат Мижмар (чўғдан, хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш маъносида) таҳаллуси билан ҳам ғазаллар битган. Фитрат дастлаб эски мактабда, сўнг олий таълим олиш учун Мир Араб мадрасасида ўқийди. Адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг маълумот беришича, Фитрат "Тарбияи атфол" жамиятининг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши билан Истанбулда 1909-1913 йилларда таҳсил олган. Адабиётшунос Б. А. Пестовский 1922 йил "Инкилоб" журналида Фитратни "18 ёшларига қадар Бухорода таҳсил кўруб, Шарқда Туркия,

Ҳиндистон, Арабистон каби ерларда Марказий Русиянинг Масков, Петербург каби шаҳарларида саёҳат этгандир”, - деб ёзади.

Туркиянинг “Иттиҳод ва тараққий” партияси билан яқинлашув, усмонли туркларнинг инқилобий-демократик тафаккурида муҳим замин бўлиб хизмат қилган исломчилик, туркчилик, усмончилик ғоялари Фитратнинг ҳам ижодкор, ҳам сиёсий арбоб сифатида шаклланишига маълум таъсир кўрсатган. У таҳсил олган Истанбул дорилфунунида Туркия адабиётидаги исломчиликнинг 1910 йиллардаги энг машхур вакили “Сироти мустақим” журналининг муҳаррири Меҳмед Акиф турк адабиётидан; “Иттиҳод ва тараққий”нинг нашри афкори “Ени мажмуа”нинг бош муҳаррири, туркчилик ғоясининг байроқдори шоир Зиё Гўк Алп ижтимоийёт фанидан дарс берган.

Бухорога қайтгач, 1912-1916 йилларда Бухоро, Қарши шаҳарларида жадид мактаблари очиш ва муаллимлик қилиш билан шуғулланган Фитрат 1917 йилдан Ёш бухороликлар фирқасининг мафкурачиси ва ғоявий раҳбарларидан бирига айланган ҳамда ҳаракатнинг сўл қанотида бошчилик қилган [4].

Эл-юрт, миллат қайғуси билан яшаш инсондан чидам ва сабот талаб қиладиган мушкулот, ниҳоясиз таҳликалар билан юзма юз келиш деганидир. Туғма истедод, туғма маърифатпарвар бўлган инсонларгина кўпинча бошини золимлар кундасига қўйиб, бундай бахтга эришадилар[2]. Фитрат ижодини шартли равишда 3 даврга бўлиш мумкин 1) 1908-1917 йиллар; 2) 1917- 1923 йиллар; 3)1923-1937 йиллар. Фитратнинг адабий ва илмий мероси ўзбек адабиётшунослигида улкан аҳамиятга эга бўлиб, ҳозиргача энг муҳим назарий манба ҳисобланади. У ёзувчи сифатида бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратди, Бухорода “Шашмақом” куйларини тўплаш ва нотага ёзиш ишларига раҳбарлик қилди [3].

Фитрат мумтоз адабиёт дурдоналарини тўплаш ва нашрга тайёрлаш юзасидан ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Айниқса, “Қутадғу билиг” достонининг Наманган нусхасини фанга маълум қилинишида ҳам олимнинг хизмати беқиёс. XI асрнинг буюк ёдгорлиги “Қутадғу билиг” достонининг Вена ва Қоҳира нусхалари XIX асрда аниқланган, ўтган аср ва асримиз бошларида улар ҳақида жиддий тадқиқотлар олиб борилган, ҳатто ажнабий тилларга таржимаси ҳам амалга оширилиб, нашр этилганди[5]. Фитрат 1914 йили “Қутадғу билиг”достонинг Наманган нусхаси билан танишди. Бу қўлёзма наманганлик Муҳаммадхожи эшон Лолореш деган уламнинг шахсий кутубхонасида достоннинг араб ёзувидаги қадимий қўлёзмаси мавжудлиги хабар қилинганди. Қозон университети олимлари ва рус шарқшунослари бу нодир қўлёзмани қўлга киритиш учун қарийб ўн йил ҳаракат қилдилар. Аммо бирор натижага эришолмадилар. Даврнинг илғор мутафаккири сифатида мазкур ишлардан Фитратнинг хабардор бўлмаслиги мумкин эмасди. Олим БХСРдаги расмий давлат ишларидан бўшагач, қўлёзмани сотиб олиш билан жиддий шуғулланди. Аммо бу осон кечмади. Қўлёзма соҳиби турли баҳоналар билан ҳар қандай таклифни рад этди. Фитрат Наманганга, Муҳаммадхожи эшон ҳовлисига қилган навбатдаги ташрифида қўлёзма соҳибидан, жилла кўрса, у билан бирров танишиб чиқишга рухсат беришини илтимос қилди. Шунда уй эгаси қўлёзмани олиб чиққач, олим дарвоза олдида извош зинасида

ўтириб, уни варақлай ва шарҳлай бошлайди. Фитратнинг ўта зукколигига қойил қолган уй эгаси уни берилиб тинглайди. Маълум муддат ўтгач, Фитрат домла уй эгасидан бир коса сув олиб чиқишини илтимос қилади. Қўлэзма соҳиби ҳовлига кириб кетиши билан извошига ўтириб қўлэзмани Тошкентга, олиб келади. Кейин қўлэзма соҳибини Тошкентга таклиф этиб, унга масаланинг моҳиятини тушунтириб, тегишли ҳақини бериб рози қилади[8]. Ютимиздан асарнинг яна бир нусхасини топилиши дoston матнини мукамал ўрганишда, илмий-танқидий матн тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Абдурауф Фитратнинг миллатнинг маърифатли бўлиши учун қилган хизматларидан энг асосийси усули жадид мактабларини ташкил қилиши десак тўғри бўлади. Фитрат усули жадид мактабини дин ва иймон, Ватан ва миллат келажагини таъминлашнинг бирдан-бир йўли деб кўрсатди. Муҳими шундаки, муалиф бугунги Оврупа цивилизациясининг манбаи Шарқ эканлигини, илм, ахлоқининг, давлат ва жамиятни бошқарувнинг асл андозалари ислом маданиятидан олиниб, тараққий эттирилганини, унинг асл эгалари эса, ўз мулкларини тамом унутиб, оврупаликларга муҳтож қолганини фаранги тилидан рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб берди[6].

Фитрат Бухоро ижтимоий-маданий ҳаётнинг ҳамма масалаларида фаол иштирок этди. Хусусан унинг ғайрати ва ташаббуси билан 1921 йилда Бухоро Шарқ мусиқа мактаби очилди. Мактабга Домла Ҳалим Ибодов, Шохназар Шаҳобов, Бобокул Файзуллаев каби машҳур ҳофизу мақомшуносларни тўплайди. Олим ўз уйини (собик Дзержинский 8, ҳозирда бузилиб кетган) шу мактабга беради ва ўзи мутасаддилик қилади. Фитрат ва Ф.Хўжаев ташаббуси билан замонавий кадрлар таёрлаш йўлга қўйилади. 60 дан ортиқ ёш Бухороликлар Германияга ўқишга юборилади.

Фитрат бош халқ маорифи нозирлиги 1920 йилнинг 30 октябрида Бухоро инқилоби тарихини ёзиш ҳақида қарор қабул қилади. 1922 йил 14 сентябрида эса Жумҳурият Марказий ижройи кўмитаси Бухорода дорилфунун очиш ҳақидаги тарихий қарорини эълон қилди[9]. Бухоро маърифатпарварлик ҳаракати асосан икки босқичда кечди. Бу ҳаракатнинг намояндалари халқнинг реал ҳаётини, унинг адолат, ҳақиқат, илм-маърифат ҳақидаги орзу умидларининг ўз йўллари фаолиятларида ифода этиб, халқнинг жабр-зулмдан қутилиши, унинг бахт-саодатга эришуви илм-фанни ва маданиятни эгаллашда, деб билдилар. Шу сабабли улар халқнинг жаҳолатдан қутилишга, бунинг учун илм-фанни ва ҳунарларни ўрганиш ва эгаллашга, маърифатли ва маданиятли ҳамда ўқимишли бўлишга чақирдилар. Улар фақат ўз халқи илм-фани ва маданиятини эгаллаш билан чекланмай, бошқа халқлар, хусусан, Европа ва рус халқи эришган илм-фанни, ҳунарларни, техникани, маданиятни ҳам ўрганишга, шу асосида жаҳолат ва бидъат уйқусини тарк этишга чорладилар. Бунинг учун бошқаларнинг тилини билишнинг, ўрганишнинг зарурлигини, кўп тилларни билиш эса дунёвий илмлардан, фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имкониятини беришини уқтирдилар[10]. Хусусан, 1922 йил 25 сентябрдан 25 октябрга қадар Германияга даволанишга борган Файзулла Хўжаев Германиянинг турли шаҳарларида

илм-хунар олаётган юздан ортиқ туркистонлик йигит-қизлар билан мулоқотда бўлади. Уларнинг яшаш шароити, ўқишлари билан қизиқади. Файзулла Хўжаев Берлиндан туриб, БХСР МИКГа "Берлин мактублари" номи билан йўлланган хатлар "Бухоро ахбори" газетасида 1922 йил 19 ноябрда чоп этилган[11]. Жумладан, ёш мутахассис кадрларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун 1924 йил 9 январда Файзулла Хўжаев раҳбарлигида БХСР Халқ Нозирлар Шўросининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш баённомасида Германияда ўқиётган бухоролик талабаларга кўпинча 15 сўм олтин миқдорида ва 13 та олий таълим муассасида таълим олаётган талабаларнинг ҳар бирига 75 сўм олтин миқдорида стипендия тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди[12]. Айрим ҳолларда эса талаба-ўқувчилар сафини тўлдириш учун БХСР номидан Туркистон АССРдан ҳам болалар танлов йўли билан рўйхатга киритилган.

Фитрат яшаган давр сиёсати эркин фикр, ҳур ғояларни бутунлай инкор қилар эди. Шу боис жаҳидлар қаттиқ тазйиқ остига олинди. Жаҳидларнинг энг асосий вазифаси ҳисобланган миллий озодликка эришиш, халқ болаларини маърифатли қилиш каби устувор мақсадлар бутунлай қораланиб, бу зиёлилар марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеаллаштиришда, буржуа миллатчилиги ғояларини ташвиқ этишда айбланди. Жаҳидчилик ғояларинининг асосий ташвиқотчиларидан бўлган Абдурауф Фитрат 1937 йил 24 апрелда Ўз ССР НКВД бошлиғи Загвоздин кўрсатмаси билан Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-бўлимининг бошлиғи ДХ лейтенанти Оғабеков томонидан ҳибсга олинди ва бир ярим йиллик қийноқлардан сўнг "миллатчилиги" "ақсиланқилобчилиги", "халқ душмани" "ватан хоини" "немис, ингилиз разведкаси айғоқчиси" каби айбловлар билан СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан суд қилиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ўлдирилди. Қатл жазоси олимнинг жисмоний маҳв этилиши эди, холос. Фитратнинг илмий-адабий мероси, юрт ривожини учун амалга оширган ислохотлари ҳозиргача ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Унинг адабиёт назариясига оид фикр-мулоҳазалари ҳозирги тадқиқотлар учун ҳам асос вазифасини ўтаб келмоқда. Фитрат асарлари у ҳаётлик пайтларидаёқ юксак баҳо олган, бошқа тилларга таржима қилинган[13].

Жаҳидлар нималарга муваффақ бўлди? Одамлар онгида ўзига хос ўзгариш яшашнинг уддасидан чиқа билди. Жаҳиятни ўзгартириш концепциясини ярата олди ва концепция барча масалаларни қамраб олди. Янги авангард жаҳидлар адабиёти, янги драматургияга асос солди. Туркистонда биринчи театрни ишга туширди. Таълимнинг янги шакллари яратди. Улар – эҳтимол кичик кўринишда бўлгандир, аммо бутунлай янги маданият яратди. Одамлар онгида аёлларга нисбатан кичик бўлса-да, ўзгариш ясай билди, чунки асарларида аёлларнинг жаҳиятни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади[14]. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, олимлар жаҳият ривожини, миллат маърифати учун масъул шахслар ҳисобланадилар. Эл-юрт тараққий қилиши учун, энг аввало, миллат озод ва эркин бўлиши лозим. Жаҳидлар бу ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда ватан ҳурлиги учун ҳаракат қилдилар, бу йўлда қурбонликлар берилди, машъум қатлларга гувоҳ бўлинди, аммо уларнинг фаолияти тарихдан муносиб ўрин эгаллади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Болтабоев Х. Абдурауф Фитрат – Тошкент Ёшлар нашриёт уйи 4-бет.
2. “Хуррият” 13 август 2003 йил.
3. Ражабов Қ. Иноятов С. Бухоро тарихи тафаккур нашриёти 371-бет.
4. Жамолова Д. Фитрат йўли // “Миллий тикланиш” газетаси. 2022 йил 27 июль; Jamolova D. Tarbiyai Atfol” society and its activities // Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives. 2016. P. 52-56.
5. Мирзаев Т. Устозлар сафдошлар издошлар. 80-84 бет.
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш Тошкент “Маънавият” 2002 263 –б.
7. Фитрат А. Танланган асарлар. V жилд. – Т.: “Маънавият”, 2010. – Б. 36.
8. Мирзаев Т. Устозлар сафдошлар издошлар. 77-бет.
9. Қосимов Б. Миллий уйғониш Тошкент “Маънавият” 2002 359–б.
10. Фалсафа (энциклопедик луғат).“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2010. – Б. 80.
11. . Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет муштамлақчилиги даврида.246- 247-бетлар
12. Ўзбекистон миллий архиви, 48- фонд, 1-руйхат,260-иш,.36- варақа.
13. Қосимов Б. Миллий уйғониш Тошкент “Маънавият” 2002 371 –б.
14. <https://www.uzanalytics.com/tarix/10076>.